

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 156 (11.217)

Баҳоси эркин нархда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда «Ўзфармасаноат» ДАК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида дори-дармон ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотларининг семинар-курғазмаси ташкил этилди. Курғазмада 40 дан ортиқ корхона ва ташкилотнинг 400 номдаги маҳсулотлари намойиш қилинди.

● Истиклол байрами арафасида «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари Сурхондарё вилоят бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар Тошкент шаҳрида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, майдон ва хиёбонларини зиёрат қилдилар.

● Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда очилган «Мегаатекстиль» хорижий корхонаси Уйчи туманидаги Ёркатай қишлоқ аҳлига байрам совғаси бўлди. Бу ерда пахта қайта ишлаш ҳисобига тайёрланадиган калава ипнинг 90 фоизи жаҳон бозорига чиқарилади. Хорижий корхонанинг фаолият бошлаши натижасида 300 нафардан ортиқ ёркатайлик йигит-қизлар ишли бўлиши.

● Бухоро вилояти Соқтаре қишлоғида 540 ўқувчи ўрнига эга бўлган саноат ва транспорт касб-хунар коллежи қад ростлади. Ушбу маскан қурилиши учун 2 миллиард 138 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, Зарангарий қишлоғида барпо этилган педагогика коллежи ҳам Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Шу тариха Гиждувон туманида фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежлари сони 9 тага етади.

● Кўнғирот туманида бир кеча-кундузда 20 мингга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод ишга туширилди. «Кўнғирот гишт» МЧЖ деб номланган ушбу корхонага Хитойдан келтирилган янги ускуна ўрнатилди. Янги заводнинг фаолият бошлаши тўғрисида 50 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

● Жиззах вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида «Раҳбар аёллар клуби» иш бошлади. Клубни ташкил этишдан асосий мақсад давлат ва нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган раҳбар аёлларнинг амалдаги ва истиқболдаги захирасини яратишдир.

● Фаргона шаҳрида Мустақиллик байрами олдида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Китоблар эзгуликка йўллайди» шiori остида китоб байрами ўтказилди. Унда адабиёт илҳосмандлари, зиёлилар, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

● Иордания қироли Абдаллоҳ II Ироққа ташриф буюриб, бош вазир Нури-ал-Маликй билан учрашди. Бу америкаликлар Ироққа бостириб киргандан буён Араб мамлақати раҳбарининг илк ташрифидир. Учрашув чоғида Абдаллоҳ II Бош вазир билан икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо алоқаларини тиклаш ва Ироқ нефтини Иорданияга сотиш масалаларини муҳокама қилди.

● Исроил ҳукумати икки томонлама зиддиятларга барҳам бериш доирасида босиб олинган Иордания дарёси Фарбий қирғоғининг 93 фоизини фаластинликларга беришга тайёрлигини маълум қилди ва доимий chegaralar таклиф этилган харитани тақдим этди.

● Перу ва Россия МиГ-29 қирувчи самолётларини таъмирлаш ва модернизациялаш бўйича кўп миллион долларлик битим имзоланди.

● Кашмирда айирмачи гуруҳ ва полиция вакиллари ўртасида тўқнашув содир бўлди. Тўқнашувлар оқибатида уч киши ҳалок бўлди, 200 га яқин одам жароҳатланди. Қурбонлар орасида айирмачи гуруҳ етакчиси Шайх Абдул Азиз ҳам бор.

● Бугун Россияда «Саломатлик тўлкини» Бутунроссия ахборот-тарғибот соғломлаштириш акцияси бошланди ва бу йил чекишга қарши қаратилган ушбу тадбир доирасида мингга яқин болаларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши режалаштирилган.

● Июль ойининг охирида ўз жониға қасд қилган микробиолог Брюс Айвнс АКШ адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, Сибирь яраси, яъни куйдирги касаллигини почта орқали тарқатган ягона шахс бўлиб чиқди. Ушбу вирус кукуни 2001 йилнинг охирида АКШдаги давлат муассасаларига, асосан сиёсатчиларга почта орқали жўнатилган эди. Натижада беш киши ҳаётдан кўз юмган.

● «Астон-Мартин» компанияси дунёдаги энг қimmat автомашина ишлаб чиқаришни режалаштирди. «Опе-77» деб номланган ушбу автомашинадан атиги 77 дона ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, мазкур автоуловнинг баҳоси 1,5 миллион еврони ташкил этади. У ҳозирда дунёдаги энг қimmat автомобиль деб ҳисоблаб келинаётган «Bugatti Veugor»дан юз минг фунт стерлингга қimmat.

● Япон денгизига Шимолий ва Жанубий Кореяга қарашли иккита кема тўқнашиб кетди. Некулай об-ҳаво сабабли ушбу тўқнашув рўй берган бўлиб, сўнги маълумотларга қараганда икки нафар денгизчи бедарак йўқолган.

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

17 йил МУСТАҚИЛЛИК



## ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ҲАМИША ОБОД ВА НУРАФШОН

МАНА, ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАЛАРИГА ҲАМ САНОКЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. УШБУ ҚУТЛУҒ БАЙРАМ АРАФАСИДА ШАҲРИМИЗ ТУМАНЛАРИНИ АЙЛАНАРКАНМИЗ, ЖОЙЛАРДА БАЙРАМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА ҚИЗГИН ТАРАДДУД КЎРИЛАЁТГАНИНИ, КЕНГ КЎЛАМДАГИ БУНЁДКОРЛИК, ОБОДОНЧИЛИК, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИК. ДАЙНИҚСА ТУМАНЛАР ОРАСИДА ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ, ҲАМИША ОБОД ВА ФАЙЛИ ГЎШАЛАРДАН САНАЛГАН ЮНУСОБОД ТУМАНИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ОРАСТАЛАШ ВА ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИДАН КЎЗЛАРИМИЗ ҚУВНАДИ.


Ўз фаизу таровати, кўркамлиги, бағрикенг ва саховатли, меҳр-оқибатли кишилари билан ажралиб турувчи ушбу туманда бугунги кунда 294,2 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.

Айтиш жоизки, туманда жорий йилнинг ярим йиллик яқунларига эътибор қаратилган бўлса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ишловларни чуқурлаштириш, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ижобий натижаларга эришилганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, туман иқтисодиётининг асосий соҳаларида ўсиш суръатлари анча кўрори бўлиб, 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш суръати 141,3 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 108,9 фоизга етказилди. Маҳалла-лаштириш Дастури асосида тумандаги «Зенит электроник» ҚК (маиший техника), Dalichi Auto Part корхонаси (автомашиналар улуғ рол йилдирари), «Махсустаммиркозонмонтаж» ҚК (иситиш қозони)

лари), АЗН МЧЖ (савдо музлаткич расталари) каби 7 та корхонада маҳаллий хом ашё асосида махсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Шуни таъкидлаш керакки, жорий йил 1 июль ҳолатига туманда 4762 та кичик корхона рўйхати олинган. Кичик бизнеснинг саноатда улуши 96,9 фоизни, савдода — 98,2 фоизни, қурилишда — 95,0 фоизни, пуллик хизмат кўрсатишда — 84,8 фоизни ташкил қилади. Айтиш керакки, Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш доирасида туманда катта ҳажмда қурилиш ишлари авж олган. Жумладан, «Қатагон қурбонларини ёд этиш» музейи қурилишининг иккинчи навбати, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси биноси, Ёшлар ижодиёти курғазма маркази, А.Қодирий кўчасининг Амир Темур шох кўчасидан Мустақиллик шох кўчасигача, Амир Темур шох кўчасини (Алишер Навоий кўчасидан бошлаб) қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. 2008 йил бошидан 48 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, шунинг ҳисобига 16,6 минг квадрат метр турар жой, 110 ўринли Нефрология маркази, 313- мактаб, Калонс номи компьютер технологиялари касб-хунар коллежи, Ёшлар ижодиёти курғазма маркази, «Қатагон қурбонларини ёд этиш» музейининг иккинчи навбати қад ростлади, иккита мактаб биносига капитал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Хусусий тадбирлар ва кичик бизнес корхоналари ҳисобига туманда 18 та янги объект ишга туширилди. Йилнинг биринчи ярим йиллигида 65,3 миллион АКШ доллари миқдорига тайёр махсулот ва хизматлар экспорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 156,4 фоизни ташкил этди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мам-



лакатимиз Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан уйда меҳнатни ташкил қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йил биринчи ярим йиллигида 631 та янги иш жойлари ташкил этилди, шундан 260 таси йирик саноат корхоналари билан шартнома асосида тузилди.

Давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир Фармонига асосан 20 кишига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун 446 миллион сўмлик имтиёзли Ипотека кредити берилди, иккита кам таъминланган ёш оилаларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Шунингдек, ёш оилалар учун Юнусобод-9 мавзесида ҳар бири 32 хонадонга мўлжалланган иккита тўрт қаватли уй-жой бунёд этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқ фаровонлиги, юрт истиқболли йўлида камарбаста бўлаётган юнусободликлар айтиш керакки Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрамини ҳар бир соҳада ўзларининг улкан ютуқлари, зафарлари ила ёруғ юз билан кутиб олишга қатъий бел боғлашган.

(Юнусобод туманига бағишланган саҳифа материалларини газетанинг 2-бетига ўқийсиз).

## Кечка сатрларда

● БУГУН Ўзбекистон Баддий академиясининг марказий курғазмалар залида юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида уюштирилган «Энг улуг, энг азиз» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

● КЕЧА шаҳримизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган семинар «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида Омбудсманнинг суд-ҳуқуқ ва ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлиги» деб номланди.

● КЕЧА Тошкент шаҳар Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтини таълим тизимига янги замонавий педагогик технологияларни жорий этишнинг аҳамиятига бағишлаб уюштирилган семинар-тренингда шаҳримиз туманлари мактабларининг энг билимдон ўқитувчилари иштирок этишди.

● БУГУН «Алоқачи» болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида туртинчи мавсум ёпилишига бағишлаб тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида тадбир ўтказилди.

● БУГУН Миробод туманидаги Фағур Фулом номли маданият уйида сартарошлик курси қатнашчилари иштирокида «Очиқ дарс» тадбири уюштирилди.

● ҲАРБИЙ хизматчиларни миллий Истиқлол ғояси, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида шаҳримизда ташкил этилган «Ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари» кўрик-танловининг туман босқичи ғолиблари тақдирланди.

● МИРОБОД туманида ёш истеъодлар ўртасида ташкиллаштирилаётган «Ниҳол» кўрик-танловининг туман босқичи ғолиблари тақдирланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Хашар — элга ярашар

### ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

МАМЛАКАТИМИЗДА ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА. УШБУ ҚУТЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УМУМХАЛҚ ҲАЙРИЯ ҲАШАРИ УЮШТИРИШ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 ЙИЛ 2 АВГУСТДАГИ ФАРМОЙИШИГА МУВОФИҚ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИ МАМЛАКАТИМИЗДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ОЗОДАЛИК ОЙЛИГИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. МАЗКУР ТАДБИР ДОИРАСИДА 16-17 АВГУСТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ҲАЙРИЯ ҲАШАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ярим йиллик яқунларига эътибор қаратилган бўлса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ишловларни чуқурлаштириш, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ижобий натижаларга эришилганлиги диққатга сазовордир. Жумладан, туман иқтисодиётининг асосий соҳаларида ўсиш суръатлари анча кўрори бўлиб, 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўсиш суръати 141,3 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 108,9 фоизга етказилди. Маҳалла-лаштириш Дастури асосида тумандаги «Зенит электроник» ҚК (маиший техника), Dalichi Auto Part корхонаси (автомашиналар улуғ рол йилдирари), «Махсустаммиркозонмонтаж» ҚК (иситиш қозони)

раёнида халқимизнинг яратувчилик салоҳиятини кенг намойиш этишга, тозалик, озодалик ва саранжом-сарифшаликнинг инсон саломатлигини асрашдаги аҳамиятини ёшлар онг-шурини янада чуқурроқ сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Узининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Навоий шаҳрида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар доирасида истеъодли болалар ўртасида ўтказилаётган ижодий бешлашувлар ва асфальтга расм чизиш мусобақалари улғайиб келаётган авлоднинг миллий кадриятларимизга ва табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгай-

тириш мақсадида маҳалла фаоллари ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида «Уч авлод учрашувлари» ташкил этилмоқда. Бинобарин, мазкур хайри тадбирлар келажак эгаларини миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларимизни ватанпарвар ва элқуртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган.

Мустақиллик байрами арафасида нурунийлар ва ёш авлод вакилларининг юртимиз бўйлаб савҳатини ташкил этиш кўрсаларга гамхўрлик ва ёш авлод камолотиغا қаратаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Шу кунгача Қашқадарё, Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятининг қўллаб-қувватлаш ишлари ҳамда Тошкент вилоятининг бир гуруҳ ёшлари Самарқанд шаҳри ва пойтахтимизнинг диққатга са-

зовор жойларини, тарихий қадам-жолар ва мустақиллик иншоотларини зиёрат қилдилар. Бундай тадбирларни ташкил этишда «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Корхона ва ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» мавзусида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар жараёнида аҳоли, хусусан ёшлар фаол иштирок этаётган. Бундай учрашув ва давра суҳбатларида истиқлолимизнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳусусида фикрлашилмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш Истиқлол байрами арафасида ва умумхалқ хайрия ҳашари доирасида ташкил этиладиган тадбирларнинг муҳим йўналишига айланган. Юртимизнинг барча туманларида жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда хомийлар кўмағида кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказилмоқда, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга қўшимча маблағлар

ахратилмоқда.

Айтиш керакки, Истиқлол байрамини меҳнат ва бунёдкорлик соҳасида улкан ютуқлар билан кутиб олиш ҳамда ушбу сана арафасида жойларда қўллаб-қувватлаш ишлари шаклида маҳалла фуқаролар йиғини, лицей, шифохона, ёш оилалар учун уй-жой ва бошқа маиший биналарнинг фойдаланишга топшириш борасидаги ишлар қизгин давом этаётган. Бундай тадбирлар жараёнида маҳалла фуқаролари билан бир қаторда бунёдкор ёшлар фаол иштирок этаётган кўвонарлидир. Хашар кунлари бундай иншоотларда иш янада қизибди.

Ёшлар ташкилотлари томонидан жойларда барпо этилган ёшлар болаларини ободонлаштириш, дарахт-ларини оқлаш, ўзгалар кўмағига муҳтож нурунийлар ва кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, умумхалқ хайрия ҳашари кунлари халқимизга хош ҳамжиҳатлик, хайр-саховат, меҳр-оқибат, яратувчилик ва бунёдкорлик ҳислатлари янада яққолроқ намоён бўлади. Ушбу тадбир том маънода тинч-осойишта ҳаётимиз ва фаровон турмушимиз кўзуси ва шукроналигимиз ифодасига айланади.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

# 17 МУСТАҚИЛЛИК йил

Истиқлол — бизнинг борлигимиз,  
шону шуҳратимиз,  
эркин ва фаровон  
келажагимиз гаровидир

# ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ҲАМИША ОБОД ВА НУРАФШОН

## Фармон ва ижро

### КАСАНАЧИЛИК САМАРАЛАРИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ҲАМДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАФАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ПОЙТАХТИМИЗДА ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли бандлигини ошириш мақсадида 35 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Унинг 18 фоизи уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бандликка қўмаклашувчи марказлари томонидан амалга оширилаётган бу борадаги ишлар ўз самараларини бермоқда. Шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилик асосида меҳнат қилаётган юзлаб хотин-қизлар уй-рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда қўшимча даромад топиш имконига эга бўлаётди.

— Бу усулда ишлаш менга жуда маъқул келди, — дейди Учтепа туманидаги "Маликабону-чевар" корхонаси касаначиси Гулноза Қамбарова. — Ҳозир уйда буюртма асосида болалар ва катталар кийимларини тикаяпмиз. Фарзанд тарбияси ва уй ишларидан ортиб, оилам даромадига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

**Х.САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири**

## Иқтисодиёт

### МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ХАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганиги кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига яққол акс этмоқда. Айниқса, доимий банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлашда тадбиркорларимизнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.**

Пойтахтимизда ўтган йили фаолиятини бошлаган «ВАРАҚА» хусусий корхонаси жамоаси ҳам йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Мазкур корхонанинг ишчан раҳбари Адолат Маъдиева ҳам юртимизда иқтисодиётимиз ривожига қаратилаётган эътибордан, берилган ҳар бир имкониятдан ўрнида фойдаланган ҳолда меҳнат қилиб, ҳозирда 10 нафар фуқарони янги иш жойлари билан таъминлади.

Жамоа ахлининг тайёрлаётган сифатли нон ва қандолат маҳсулотларининг харидорғирлиги таъминланмоқда. Ҳозирда 17 хил турдаги хуштаъм булочка, пирожний, вафли, печенье ҳамда праниклар ишлаб чиқаришда фақат маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилади. Цехларга ўрнатилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг унумли нововхоҳоналари, мини печь, дастгоҳ ва ускуналар қандолатчиларга ҳақиқий маддакор бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам хусусий корхона тадбиркорлари харидорлар хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда тайёрланаётган маҳсулот турларини қўлайтиришни мақсад қилишган ҳамда уларнинг сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

### ҲУНАРИ СИРЛАРИНИ ҲАМДА ЭЪТИБОРГА ОЛИШ

**ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТУФАЙЛИ ЗАРГАРЛИК, КУЛОЛЧИЛИК, ЗАРДЎЗЛИК, НАҚҚОШЛИК, ЛОК МИНИАТОРАСИ, ГИЛАМДЎЗЛИК, ЁҒОЧ ВА ГАНЧ ҲАМДА ҲАМДА КИЧИК КЎПЛАБ ГЎЗАЛ МИЛЛИЙ ҲУНАРМОНЧИЛИК СИРЛАРИНИ АСТОЙДИЛ ҲАМДА ҲАМДА ЭЪТИБОРГА ОЛИШ**

Бир-бирини такрорламайдиган, замонавийлик билан аънавийлик ўзаро уйғунлашган кулолчилик маҳсулотлари — кўза, гултувак, устунларга ишланган антиқа безаклар, совга-боп манзарали лаган, ликопча каби жуда кўп турдаги гўзал, экологик тоза сопол буюмлар ноёб санъат асари даражасига етказилганлигини кўриб, кўзлар қувнайди, уста хунарманд Воҳиджон Мамажоновнинг мазкур кулолчилик ҳунарини миридан-сиригача эгалаганига амин бўласиз.

Отаси —Маҳмуд ота Мамажоновнинг касбини давом эттираётган уста жуда ёшлигидан кулолчиликни жони-дили билан севиб, машаққатлардан сира қўчмай, кунт, сабр-тоқат билан ижодий меҳнат қилиб келмоқда. Эътиборли томони, хунарманд уста доимий изланишда, у янгиликка ўч, ташаббускор бўлиши билан бирга, тарихимизни яхши билади, унга меҳр билан ёндашади. Шунингдек, Воҳиджон уста-шогирд йўналишида кўплаб иқтидорли, қизиқувчан ёшларга гўзал хунарининг сир-асрорларини эринмай ўргатмоқда.

**Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**



### Умуммиллий дастур — амалда ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН ЁШЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЧУҚУР БИЛИМ ЭГАЛЛАШЛАРИ, КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Маълумки, 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизда ҳам умумтаълим мактаблари босқичма-босқич капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Юнусобод туманида ҳам Дастурда белгиланган вазифалар ижроси йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовор бўлмоқда. Жумладан, тумандаги 313-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини қайта чирой очган, шинам ва замонавий билим масканида қарши оладиган бўлишди.

«Узроқурилиш» махсус монтаж мажмуасининг азамат бунёдкорлари саъй-ҳаракатлари билан ўзгача қиёфага кирган замонавий мактаб биноси 630 ўринга мўлжалланган бўлиб, уч қаватдан иборат, — дейди ушбу ўқув маскани директори Алишер Болтаходжаев. — Айтиш жоизки, кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган, мазкур етти йиллик мактаб биноси жуда таъмирталаб бўлиб қолган эди. Мана эндиликда бутунлай замонавий қиёфага кирган янги мактаб би-

носи тўққиз йилликка ўтказилди. «Шарқ ҳақиқати», Шариф Қозоқбоев, Беруний маҳаллалари аҳолисининг фарзандлари таълим оладиган мазкур таълим масканида кенг ва ёруғ физика, химия, биология, компьютер хоналари, катта спорт зали, фаоллар зали замонавий ўқув жиҳозлари, мебеллар билан таъминланмоқда. Шунингдек, мактабнинг таълим масканида география фанидан чуқурлаштирилган ҳолда таълим берилди. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.



Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган ушбу янги, замонавий мактаб биносини албатта туман аҳолиси ва ёшлари учун байрам тўхфаси десак адашмаймиз.

Туманда бунёд этилаётган таълим масканлари қаторида Калончи номидаги компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежининг ҳам жаҳон андозалари даражасида қад ростлаши ўқувчилар учун ниҳоятда қувонарли бўлди. Илгари Хур-



шид кўчасида эски бинода жойлашган ушбу коллеж янги ўқув йилидан ўзгача қиёфадаги замонавий бинода фаолиятини бошлайдиган бўлди. 540 ўқувчига мўлжалланган таълим масканида бу йил 270 ўқувчи ўқишга қабул қилинди. Коллежда асосан иккита йўналишда ёшларга таълим берилди. Биринчиси компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш ҳамда уларнинг таъминоти, иккинчиси компьютер графикасидир. Ўқувчилар учун замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган химия, физика лаборатория хоналари, фаоллар зали, катта спорт майдони, футбол ва волейбол майдонлари, шунингдек 10 та компьютер хоналари ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллаши, спорт билан мунтазам ошно бўлишларида муҳим омил бўлади албатта.

Мустақиллик иншоотларидан бўлган мазкур коллеж биносини ҳам қўли гул бунёдкорларимизнинг Энг улуг ва энг азиз байрамимизга тўйга тўенаси дейиш мумкин.



## Маҳалланг—ота-онанг

### ФАЙЗУ ТАРОВАТЛИ ГЎША

**ОЛАМ АРО БЕБАҲО ГУЛШАН, ВАТАН ИЧРА ВАТАН САНАЛИМИШ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДА МАВҒЕИ, НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ЮНУСОБОД ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИ ОРАСИДА «ОҚТЕПА» МАҲАЛЛАСИ ОБОДЛИГИ, ФАЙЗУ ТАРОВАТИ ВА МЕҲР-ОҚИБАТЛИ, САҲОВАТЛИ КИШИЛАРИ БИЛАН БОШҚАЛАРГА НАМУНА БЎЛИБ КЕЛМОҚДА.**

*Олам аро бебаҳо гулшан,  
Ҳар қадами зар, тилло маскан,  
Тугилган жой —  
улғайиб-ўсган,  
Ёмонликнинг йўлини тўсган,  
Ватан ичра Ватан —  
маҳаллам,  
Ота-онам, жон-тан —  
маҳаллам.*

Маҳаллага ташриф буюрган кунимиз ҳам бу гўшадаги бирдамлик, тотувлик, ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишларни кўриб ҳавасимиз келди. Аввало яқин йилларда замонавий ва шинам қурилган маҳалла гузари билан танишарканмиз, бу ерда маҳалла аҳли учун яратилган шарт-шароитлар, кенг ва ёруғ хоналар, шу жумладан фуқаролар йиғини раиси хонаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг хонаси ва у ерда «Маънавият бурчаги»дан ўрин олган турли бадий адабиётлар, Президентимиз асарлари, кўнунларимизга доир китоблар, маънавиятимиз намояндалари, алломамизимизнинг ибратомўз ҳикमतлари диққатимизни тортиди. Шу билан бирга катта фаоллар зали ҳам мавжуд бўлиб, унда «Ма-

ҳалла ҳаётидан», «Маҳалланинг бир кун», «Маҳалла фаоллари», «Миллатимиз ифтихорлари», «Шарқ дарвозаси» Тошкент — 2200 ёшда», «Ёшлар — таянчимиз, сўянчимиз, фахримиз, гуручимиз» номли маҳалла ҳаётидан ҳикоя қилувчи стендлар ўрин олган. Маҳалладаги тартиб-интизом, саранжом-саришталикни кўрган одам бу масканда зиёли, бағрикенг, ўз ишига маъсул яшай билган қаровчи жонқуяр борлигига ишонч ҳосил қилади.

Биз шу кунги маҳалла фаоллари йиғилиши устидан чиқиб, уларнинг баҳс-мунозараларига қўлоқ тўтдик. Фаоллар маҳалла гузарни рўпарасидаги 274-мактабда туман «Маҳалла кўни» байрам тадбирини ўтказиш ҳақида ўзаро суҳбатлашди, байрамни шодиёна ўтказиш, кўргазмалар ташкил этиш, концерт дастурлари намойиш қилиш, чиройли дастурхон безаб, маҳалланинг кексаларини тақдир этишга келишиб олишди.

— Маҳалламизда 5035 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Турсунов. — Ҳар бир байрам арафасида хашарлар уюштириб, маҳалла ҳудудини

обод ва кўркам этишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, хайр-саховат, меҳр-муруват кўрсатишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шунингдек, маҳалла-мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Гулчехра Қаримова маҳалламизнинг жонқуяр фаолларидан. Ўтган йили «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловининг шаҳар босқичида 2-ўринга сазовор бўлган. «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» танловида туман бўйича қолиб кетган қўлга киритган. Маҳалламизда саховатпеша хомийлар ҳам кўп. Уларнинг ёрдамида маҳалла гузари, 49-оилавий поликлиниканинг филиали бунёд этилди. «Мангулик хиббони» таъмирланди.

Айни кунда маҳалламизда Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини муносиб қутиб олиш учун қизгин тараддуд бошланган. Байрам олдидан хашар уюштирилиб, ободчилик ишлари амалга оширилади. Маҳалла ахлининг муқаддас қадамжолар бўйлаб савҳатлари, мактаб ўқувчилари ўртасида иншоотлар, расмлар танлови ўтказиш, «Мустақиллик-буоқ неъмат» мавзусида радио эшиттиришлар, «Бунёдкор ёшлар гуруҳлари» ташкил қилишни режалаштирганмиз. Шунингдек, маҳалламизда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан «Шаҳримиз тарихини биласизми?» викторинаси, маҳалла олимлари билан «Икки авлод учрашуви», «Шаҳар дарвозалари» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилади. Мақсадимиз, маҳалламизда тинчлик ва оқсоқиллик ҳукм сурсин, бирдамлик, аҳиллик, меҳр-оқибат йўқолмасин.

## Маънавият тарғибот

### марказларида КОМИЛЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ОНГИНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАНДИР. МАЪНАВИЯТ ШУНДАЙ ҚИММатБАҲО МЕВАКИ, У ИНСОНГА ОНА СУТИ, ОТА НАМУНАСИ, АҲДДОДЛАР ҲАМДА БИРГА СИНГАДИ. МАЪНАВИЯТ — ИНСОННИНГ, ХАЛҚНИНГ, ЖАМИЯТНИНГ, ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИДИР. У ЙЎҚ ЖОЙДА ҲЕЧ ҚАЧОН БАХТ-САОДАТ БЎЛМАЙДИ.**

Юнусобод туман Маънавият ва маърифат Кенгашининг Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самараларини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан жорий йил ярим йилликка мўлжалланган иш режасига мувофиқ туманда ижтимоий, маънавий-маърифий ишлари янада яхшилаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ёшларнинг фаолиятини ошириш бўйича мажмуавий дастури ишлаб чиқилиб амалда бажарилмоқда. Туманда жойлашган корхона, ташкилотлар, маҳаллалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда давлат маҳсасалари ҳодимларининг, туман аҳолисининг маънавий-маърифий билим даражасини ошириш, миллий қадриятларимизни замонавий руҳда тарғиб этиш ҳамда фуқароларнинг конституцион билимларини демократик давлат қомусини билиш даражасига олиб чиқиш ва барча йўналишлар бўйича кенг қўлама маънавият-маърифат ишларининг олиб борилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Туманимизда жойлашган 58 та маҳаллалар, олий ўқув юртлири проректорлари ва ўрта махсус ўқув юртлири раҳбарлари, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тегишли услубий қўлланмалар ва низом билан таъминланган, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Таълим маҳсасалари талаба-ўқувчиларининг жадвал асосида пойтахтимиздаги музейлар ва зиёратгоҳларга ташрифлари ташкил қилиниб, у ерда очик дарслар ўтказилмоқда. Марказимиз томонидан халқ таълими бўлими, ўрта махсус ўқув юртлири, маданият ва спорт бўлими, «Маҳалла», «Нуроний», «Олтин меҳрос» жамғармалари, «Қамолот» ЕИХ, ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда жорий йилда юздан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Тадбирлар асосан миллий ғоянинг тарғиботи, ёшларга қадриятлар ва миллий урф-одатлар, аънаваларни тўғри аниқлаш, диний ақидапарастлик, ғиёвандлик, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли ўртасида оғоҳликни ошириш, мустақиллик ва тинчлик неъматини асраш мавзуларига қаратилди: Шу билан бирга Маънавият тарғибот марказимиз қосида «Маънавият нури» номли ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, унда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, тиббиёт, банк маҳсасалари, корхона, ташкилотларнинг маънавият ишлари бўйича масъул вакиллари шартнома асосида ўқутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Маънавият тарғибот маркази бўлими томонидан йил бошидан буён «Озод Ватан ўғлонлари», «Мардлар кўриқлайди Ватанини», «Икки авлод учрашуви», «Аёл гўзаллиги», «Авлодингни унутма», «Гиёвандлик — аср вабоси», «Эл деса Навоийни...», «Азиз алломамларимизни ёд этишимиз», «Ислом — эзгулик дини», «Соҳибқирон Амр Темурга таъзим», «Уч авлод учрашуви», «Ёшлар соғлиғи — маҳалла бойлиги» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда, уларнинг қомил инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлаётди. Булардан ташқари ёш болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказилаётган турли хил маънавий-маданий тадбирлар ҳам таҳсинга сазовор бўлмоқда.

**Саҳифани Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.  
Ҳакимжон Солихов олган суратлар.**

## ОИЛА ШИФОКОРИ ТИЗИМИДА

**ТУМАНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БИРИЛАЁТГАН САМАРАЛИ ИШЛАР ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ, ТУРЛИ ХИЛ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР.**

Кейинги йилларда туманда янги қад ростлаган, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилаётган тиббиёт масканлари талайгина. 5-болалар клиник шифохонаси, 7-шаҳар клиник шифохонаси ва бир қатор оилавий поликлиникалар шулар жумласидандир. Тумандаги «Оқтепа» маҳалласи ёнида жойлашган 49-оилавий поликлиника филиали ҳам туман аҳолисини самарали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. 2006 йилда бунёд этилган мазкур поликлиника замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, тиббиёт ходимлари ва беморлар учун барча шароитлар яратилган.

— 49-поликлиника филиали айни кунда 6400 аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди филиалнинг катта шифокори Дилфуза Нигматова. — Бу ерда 15 нафар олий тоифали шифокорлар ва ҳамширалар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ўз билим ва тажрибаларини ишга

солиб меҳнат қилмоқдалар. Поликлиникамиз оила шифокори тизимида иш олиб боради. Филиалимизда УЗИ, ЭКГ, УВЧ хоналари мавжуд, шу билан бирга гинеколог, педиатр шифокорлар аёллар ва болалар соғлигини мунтазам назорат қилиб борадилар. Кексалар, ётиб қолган беморларнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар оламиз, шунингдек, она ва болалар, туғиш ёшидаги аёллар, ўсимларни тиббий кўриқдан ўтказиб тураемиз. Бундан ташқари «Оқтепа» маҳалласи ва ёнимиздаги 274-мактаб билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тиббий саводхонликни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзуларида ўтказилаётган турли хил тадбирлар яхши самаралар бераётди. Мақсадимиз, халқ саломатлигини сақлаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, соғлом авлодни вояга етказишдан иборат. Зеро халқ саломатлиги — юрт бойлигидир.

## СИДХАРТ САКСЕНА: «МУСТАҚИЛЛИКНИ ҚАДРЛАШНИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎРГАНИШ КЕРАК»

**ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛИГИ АРАФАСИДА ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАНИҚЛИ СИЁСАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, ОЛИМ ВА САНАТКОРЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН УШБУ ҚУТЛУГ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАМОҚДА.**

Улардан бири Марказий Осиё буйича Кембридж форуми раиси, Буюк Британиянинг Марказий Осиё минтақаси буйича етакчи экспертларида бири, доктор Сидхарт Саксенадир.

— Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги асосида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг моҳияти, йўналишлари ва натижаларини идрок этиш мумкин, — дея таъкидлайди олим. — Бу хусусда гапириб, аввало, Ўзбекистондаги туб ўзгаришлар халқ тарихи, маданияти ва дунёқараши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилаётганини кайд этиш лозим. Айрим мамла-

катлар асосий эътиборни иқтисодий ривожланишга қаратиб, маданият, маърифат ва маънавиятни диққатдан четда қолдираётган бир пайтда сизнинг юртингиздаги тараққиёт жараёни жамият ҳаётининг барча жаҳалларини, хусусан, иқтисодий тараққиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маърифат ва маънавият, ёш авлодни тарбиялаш каби мумкин соҳаларни қамраб олмақда.

Мендан кўпинча, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг дунёдаги барча халқларга нисбатан татбиқ этиш мумкин бўлган «универсал модели»нинг бор ёки йўқлиги ҳақида сўрашади. Бу саволга мен ҳамisha давлат ва жамият муносабатларини бир модел до-

ирасида ушлаб турадиган тараққиётнинг ягона йўли йўқ, деб жавоб бераман. Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар хусусида гап кетганда, фуқаролик жамияти Осиё мамлакатлари учун тарихан хос бўлган хусусият эканини айтиш ўринли бўлади. Ўзбекистон бу рўйхатда ўзининг муносиб ўрнига эга, бинобарин, мамлакатда фуқаролик жамиятининг бекиёб ва ижобий модели яратилган бўлиб, у азал-азалдан жамият ҳаётининг акраламас бир бўлаги бўлиб келган.

Фуқаролик жамиятининг самардорлигини таҳлил қилар эканмиз, ундаги мавжуд институтлар қандайдир хорижий «модель»ларга тўғри келиш-келмаслигига эмас, балки

оддий инсонларнинг талаб ва эҳтиёжларини қанчалик қаноатлантираётганига эътибор қаратишимиз лозим.

Ўзбекистонда ҳар йилни жамият ҳаётининг маълум бир жаҳасига бағишлаш яхши анъана тусини олган. Жумладан, 2008 йил юртингизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу хусусда гапириб, аввало, мазкур ташаббус ўтган йиллардаги ижтимоий дастурларнинг муҳим режалари билан мантқан боғлиқ эканини таъкидлаш лозим. Ёшлар ҳар бир давлатнинг тараққиётида муҳим ўринлардан бирини эгаллаши сир эмас. Ўзбекистонда бунга яхши анъаналар ҳолда масаланинг икки жиҳатига, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Юртингиздаги таълим даражаси жуда юқори. Мен бу соҳани алоҳида қизиқиш билан таъкид қилиб, таълим тизимидagi ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганига ишонч ҳосил қилдим.

Соғлиқни сақлаш тизимига тўғри келиш-келмаслигига эмас, балки

лалар саломатлигини муҳофаз қилишга ва, умуман, ёш авлоднинг соғлом ўсиб-ўлғайишига алоҳида аҳамият қаратилиб келинаётганини таъкидлашни истардим. Бунинг учун юртингизда бола ривожининг барча босқичларида унинг соғлигини назорат қилиб бориш имконини берувчи самарали тизим яратилди.

Тез орада Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигини кенг нишонлайди. Мустақиллик — бу улуг нозмат. Уни нафақат тантана билан байрам қилиш, балки қадрлай билиш ҳам керак. Ўзбекистондан бу борада ўрнал олса арзийди. Халқингиз фахрлиши мумкин бўлган ютуқ ва натижалар талайгина. Аммо уларнинг энг асосийси ва энг қадрлиши — мустақиллик йилларида мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликдир. Ишончим комил, Ўзбекистон тараққиёт ва раванқ йўлидан бундан кейин ҳам дадил ойдимлашда давом этиб, ўз олдига қўйган барча эзгу максادلарга албатта эришади!

«Жаҳон» АА.  
Лондон.



**Савол: — Қон-қариндошлик насб-насабни белгилаш тўғрисида тушунча берсангиз. Сабаби, ёшим 60 дан ошди, шаҳарамни аниқлаб олмакчиман.**

**Қаюм Шосовтов, Учтепа тумани.**  
**Жавоб: —** Оила кодексининг III бўлим, 9-боб 57,58 ва 59-моддаларидан Сизни қизиқтирган саволга жавоб топиш мумкин. Унда жумладан шундай дейилади: бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шаҳара буйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шаҳарадаги биринчи, неварга бобосига, бувисига нисбатан — иккинчи, эвара катта бобосига ва катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг фарзандлари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари, шунга ўхшашлар ён шаҳара буйича қариндошлар ҳисобланади. Тўғри, шаҳара буйича қариндошлар ён шаҳара буйича қариндошларга нисбатан ақирроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб авлодлар томон тўғри шаҳара улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғилган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиялари билан қариндошликнинг — учинчи, тоға-вачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошликка ака-ука ва опа-сингиллар туғилган, ёт аралашган қариндошликка эса, ака-ука ва опа сингиллар ўғай ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалар ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари бўлган хотин (эр) қариндошларнинг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

**Савол: — Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отасидан деб тан олган шахс қаерга мурожаат қилиши мумкин?**

**Қамолддин Жамолдидов, Чилонзор тумани.**  
**Жавоб: —** Ҳазоратниқоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги ариза-си ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, Оила кодексининг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибиде белгилаши мумкин.

Оталикни суд орқали белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамлиги бўлса, шу шахсинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилашда суд боланинг онаси бола туғилишга қадар жавобгар билан яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликлари ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгилаши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги ФХДБ бўлимига юборилади.

Туғилишни ёзиш дафтаридеги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади.

Боланинг отаси ёки онаси маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибиде эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс 18 ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

**Савол: — Мен қорхонада ишлаётганимга етти ойча вақт бўлди. Айтишларича, янги жойда биринчи иш йили учун меҳнат таътили 11 ойдан сўнг берилар экан, шу тўғрими?**

**Санобар Авазова, Ҳамза тумани.**  
**Жавоб: —** Меҳнат кодексининг 100-моддасида белгиланганидек, биринчи иш йили учун меҳнат таътили олти ой ишлагандан кейин берилади. Иш йили эса меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қўйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олтидан ёки ундан кейин;  
I ва II гуруҳ ногиронларига;  
ўн саккиз ёшга тўлмаганларга;  
муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;  
ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлган ҳолда;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, хунар-техника билим юртиларида, олий ва ўрта махсуд ўқув юртиларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътиллари имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини баҳарий вақтига тўғривла олиши хоҳласалар;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд қорхонанинг туғилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Икром ИСМОИЛОВ,  
ҳуқуқшунос

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ БЎЛГАН МАХАЛЛАЛАРГА ЭЪТИБОР СЕЗИЛАРЛИ ТАРЗДА ОШИБ, УТОМ МАЪНОДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОБОДЛИК ВА ОЗОДАЛИК, ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК МАСКАНИГА АЙЛАНДИ.**

Маҳалла

## ҲАМЖИХАТЛИК БОР ЖОЙДА...

Маҳаллаларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳам алоҳида тўхталиб-...: «Хар қайси инсон, хар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустақамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз», дея бежиз таъкидламаганлар.

Хусусан, фирмимизни Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «23-Баҳор» маҳалласи тимсолида давом эттирсак айни муддао бўлади. Ҳудуди 83 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, 4755 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-осуда, ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келаётган ушбу гўшадда биттадан мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи жойлашган. Шунингдек, иккита мактабга таълим муассасаси бўлиб маҳалла болажон-



лари, ёшлар шу ерда ўқиб, таълим-тарбия оладилар. Маҳаллада жойлашган 39 та кўп қаватли уйлар ва 8 та кўчаларнинг озодлиги ва тозаллиги, бунёдкорлик ишларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, кўча, уй ва йўлак бошлиқлари масъул этиб бириктирилган бўлиб, улар ҳамisha аҳоли билан ҳамкорликда, маслаҳатлашиб иш олиб борадилар. Бунда албатта кўп қаватли уйлар товларини капитал ва жорий таъмирлаш, иситиш тизимлари, чордоқлар, ертўлалар, йўлаклар таъмири, ёришти тизими, маданий ва маърифий, ободонлаштириш ишлари, бир сўз билан айтганда ҳамма ишлар режа асосида олиб борилади.

Маҳалладаги кичкинтой болажонларнинг кўнглини бир олам қувончга тўлдириб яқинда 122/1-уй олдиде «Бола-лар ўйингоҳи» куриб фойдаланишга топширилди. Атроф-муҳитни озода сақлаш учун қичқиндиҳона ишга туширилди. Худудимиздаги хибон ва йўлакларга 3500 дан ортиқ турли гул кўчатлари, 1000 тадан ортиқ арча кўчатлари экилди. Буларнинг барчаси маҳалла кўрғиға-кўрғи, фазайига-файз кўшиб турилди, — дейди биз билан сўхбатда «23-Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Хайитбаев. — Худудимизда жойлашган 49-мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи раҳбарлари ва профликтика инспекторлари билан олиб борилаётган ҳамкорликда самарали ишлар туфайли маҳалламизда турли ноқонуний ишлар, вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган жиноятларнинг олди олиниб, тинчлик - осудалик билан иш юритилиб келинмоқда. Бу борада ёзувчи-шоирлар билан қизиқарли учрашувлар, турли мавзуларга бағишланган тадбирлар, асп вабоси бўлган гивандликнинг олдини олишга қаратилган «Гивандлик—ўрм заволи» мавзусидаги сўхбатлар мунтазам ўтказилиб келинади. Шунингдек «Ватан—муқаддасдир» мавзусидаги ҳарбий қаҳриқачча бўлган ёшлар билан ўтказиладиган сўхбатлар эса ёш авлоднинг аввал-лабор ўз уйи, маҳалласи, она шаҳри ва юртига бўлган эътиқодини ошириб, меҳр-содқатини мустаҳкамлайди.

Маҳаллада яна аҳолининг саломатлигини тиклаш, турли хасталиқларнинг олдини олиш йўлида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Бунда худудда жойлашган 7-оилавий поликлиника шифокорлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Шифокор-гинеколог Дилором Шамсиева, участка шифокори Зумрад Якубова, бош шифокор ўринбосари Очқиз Тўйчиеваларнинг олиб бораётган сўхбатлари, тиббий патронажлар, беморларнинг уйларига бориб даволаш ишларини амалга ошираётганлари боис фуқароларнинг руҳи тетик, кайфияти доимо яхши.

Бундан ташқари маҳалла фаоллари ва кексалар билан турли сана ва байрамларда чиройли кечаларни ўтказиб келамиз. Ердамга муҳтож, ноирон, камхарж оилалар ва уларнинг фарзандларини ҳамisha қўлаб-қувватлашга, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб кўнглиларини кўтаршига интиламиз. Ётиб қолган кексаларнинг уйларига бориб йўқлаймиз, хол-аҳолиларидан хабардор бўламиз.

Жорий йилининг энг ёшлар йили деб номланган бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юкланди. Эртанинг давомчилиги бўлган ёш авлоднинг соғлом, барқамол ва руҳан тетик бўлиб вояга етишига ҳисса қўлиш, спорт билан шугулланиб саломатликларини тиклашлари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бундан ташқари жонажон шахримизнинг 2200 йиллигини ва Мустақиллигининг 17 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун маҳалламизда катта ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Макссадимиз «Отанг маҳалла-онанг маҳалла» деган эзгу нақлга амал қилиб худудимизни энг гўзал ва обод масканга айлантиришдир.

Шоира МУХАМЕДОВА

СУРАТДА: «23-Баҳор» маҳалласининг бир гуруҳ фаоллари

## ПОЙТАХТ МАКТАБЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИГА МУВОФИҚ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҚАМЛАШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ҳам бир қатор мактабларда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари яқиндагига етмоқда.

— Бу йил битта мактабимиз капитал реконструкциядан, иккитаси капитал, саккизтаси жорий таъмирдан чиқади, — дейди Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлим мудири Салима Шаропова.

Яққасарой туманидаги 900 ўринли 26-мактаб ҳам бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Капитал реконструкциядан чиқарилаётган бу мактабга бир миллирд сўм маблағ сарфлангани режалаштирилган. Бу ердаги қурилиш-таъмирлаш ишларини «Ўзгиростроймаксус-монтаж» компанияси амалга ошираётди.

— Шу пайтгача ўқувчиларни 60 йил бурун қурилган

ва айни кунда замон талабларига жавоб бермай қолган бинода ўқитиб келаётган эдик, — дейди мазкур мактаб директори Шоира Иброҳимова. — Мана энди янги, кенг ва ёруғ бинода сабоқ берадиган бўлдик. Бу ерда ахборот-ресурс маркази, меҳнат дарслари учун махсус устакхона, спорт зали, ошхона, махлислар зали ҳамда 35 синф хонаси бўлади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, пойтахтимизда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугалланаётган олтишдан ортиқ мактаб мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида ўқувчилар ихтиёрига топширилади.

Х.САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири

## ПОКИЗАЛИК ДИЛНИ ҚУВНАТАДИ

Ёшлигимизда ота-оналаримиз оқар сувга ахлат ташлаш у ёқда турсин, ҳатто унга тупуриш ҳам гуноҳи азим эканлигини қайта-қайта ўқтиришарди. Шу боис кўпни кўрган кексаларнинг бу панду насихатларига нописанд бўлган кимсаларни кўрганимизда кўнглимизда Галпа шу тарика бошлашимизнинг сабаби бор. Яқинда оиламиз билан ҳамшаҳарларимиз мароқли хордиқ чиқарадиган Ҳумсон кишлоғига дам олгани борганимизда бундай нохуш манзараларнинг ўзимиз гувоҳи бўлдик.

Сафаримизнинг иккинчи куни тушликдан сўнг «Угам» дарёси бўйига тушдик. Тошдан тошга урилиб, шарқираб оқиб турган дарёнинг хуш ҳавоси димоғимизга урилиб, бир зумда бутун танамизга ором бағишлагандек бўлди.

Бир яхшининг бир ёмони деганларидек, минг афсуски, табиятнинг бу сажийлигига номуносив йўл тутган баъзи кишиларнинг қилмишлар-

шиша парчаси бир қизини оёғини кесиб кетди. Ҳаммалари ўз ҳолича жабрдийдани даволашмоқчи бўлишди. Лекин синик шиша оёққа анча-мунча чуқур ботган шекилли қон тўхтамади. Кўришиб турибдики, қиз тиббий ёрдамга муҳтож эди. Ҳаммалари мажбуран кийинишида-да, жабрдийдани шифокор хузурига олиб кетишди. Уларнинг бемаъни қилмишлари ана шундай аянчли яқун топди. Бу воқеани кузатиб турган ўрта ёш аёллардан бири: «Табият ўзига бемехр бўлган бу даврадошлардан қасдини олди», деган гапни айтди. Биз ҳам унинг бу фикрига қўшилдик. Чиндан ҳам она табияти бутун борлигини инсонларга баҳшида этган экан, уни авайлаб-асраб, покиза сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиз азизлар.

## БИР ДАСТА ГУЛ

Аёлининг туғилган куни яқинлашгани сари Қамбаралининг юрагига гўлгула тушади. Ҳамёни кўтарганига яраша кўримли, лекин арзон-гаров совға олиш мақсадида

— Судга бердим. Ажралишаман сиздан.

Бу сўздан Қамбарали лол бўлиб қолди. Йўқ, ўйларди у, битта совгани деб бунчалikka бормасди, демак менга кўнгли бўлмаган. Совга унинг учун бир баҳона. Начора, ялинишдан фойда йўқ. Билганини қилсин.

Эр ҳам тўнини тескари кийди. Ибохонга гап-сўзлар кор қилмади. Ибохон улар ажралишди.

Орадан йил ўтиб Қамбарали ўзи билан бир қорхонада ишлаётган Саодат исмли аёлга уйланди. Саодатхон саодатли экан Ибохон уч йилда ҳам эрига ҳада қилмаган фарзандни у йил ўтиб туҳфа қилди. Кичкинтойнинг дунёга келиши эр-хотиннинг меҳр ипларини янада бир-бирига маҳкам боғлади.

Туғилган кун яқинлашиб Қамбарали совға тараддудига тушиб қолди. Нима совға қилсам экан? Шу хаёл уни уч-тўрт кун тарқ этмади. Дўконларни кидириб мўлжалдаги совгани тополмади. Ниҳоят Саодатхоннинг ўзи билан маслаҳатлашишни маъқул кўрди. Кечки пайт шу

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

## ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ри эса бизни ранжитди. Дарёнинг Ҳумсон кишлоғидан шарқий томон бўйлаб узун қўзилиб кетган икки қирғоғи дярли ахлатхона мисол кўринди кўзимизга. Бу ерларда нималар йўқ дейсиз? Лофи билан айтганда истаган нарсангизни шу жойдан топасиз. Сувдан бўшаган сонсаноксиз елим идишлар ҳар томон сочилиб ётибди. Қовун-тарвуз пўчоқлари, қоғоз парчалари, пала-партиш йиртилган газеталар, кимларданқир қолган пойма-пой пойбазал, эски-туски кийим-кечақлар, эҳе нималар йўқ дейсиз шўринг қур-қур қирғоқда. Шундай бўлса-да, дарёнинг икки томони дам олувчилар билан гавжум. Биров улфатчиликдан бўшаган идишларни сувга отган, бошқалар егуликдан қолган мена-чевалар, озиқ-овқат махсулотларини ўтирган жойига сочиб қирғоқни баттар ифлослантирган. Дам олувчилар орасида анча-мунча ёшни қоралаб қолган аёллар, эркакларни ҳам учратаёсиз. Лекин уларнинг ҳеч бири қирғоқни ифлослантираётган кимсаларни кўра-била туриб «Жой инсон, ўзинг ором олаётган, сувиде мазза қилиб қўмиллаётган дарё ва унинг қирғоғини нега ахлатхонага айлантираёсан?» деб уларга танбех бериб, тартибга қақирмайди. Хуллас ҳамма ўз билганича ўтирибди.

Биздан биров нарида уч-тўртта ёш-яланг қизлар ва йигитлар давра олишган. Олдилариде турли хил ичимликлар. Улар пешма-пеш «соғлиқ» учун ичишарди, бўшаган идишларни пала-партиш турли томонга улоқтиришарди. Битта шиша идиш катта тошга урилиб санди. Бунга кўриб уларни оғохлантирдик, тартибга қақирдик. Сўзларимизга унчалик эътибор беришмади. Кўп ўтмай, даврадошлар бараварига қўмилганини туришди. Йигитлар қизларга тегажоглик қилишди, улар қочинди. Шу зайл боғия синган

уч-тўрт кун олдиндан дўконларга кириб айланиб юрди. Сабаби, совға масаласида бир марта унинг озги куйган. Кўз очиб кўрган биринчи хотинидан мана шу совға машамаси туфайли ажралишган.

Хали эсида. Ўшанда аёлига яхшигина бир қўйлак ҳада қилганди. Аммо бу совға Ибохонга ёқмади. Қўйлакни очиб кўрди-ю, энсаси қотиб уни столга ташлади.

— Яхшики туғилган куним йилда бир марта келади. Шунда ҳам кўзим тузукроқ совға кўрмайди. Ахир ҳар кун, кун ора аёлига, ҳатто кўчадаги жазманнига қўша-қўша совға тараётганлар ҳам сиздақа эркакларку. Баҳоим шу қадар пастими? Мен кимман ўзи, хотинингизманми ёки чўрингизми? Ҳамisha шунақа қиласиз. Ҳаммасига чидаб келдим. Бу сафар жонимдан ўтиб кетди. Энди бас, олинг совғангиз ўзингизга буюрсин. Мени ҳам қадрлаб, тузукроқ совға қиладиганлар топилиб қолар.

— Нима қил дейсан ахир. Пулимга я

03-03 УЎТГАНИД ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БУСТОНИ

ОГАҲИЙ ҲИҚМАТЛАР

Фано шаҳрида обод айла, эй дил, қасри жоҳонгим, Жаҳон мулки биноси оқибат вайрон эмиш, билдим.

Фалақдин истасанг ком, ўл жаҳолатшақим, жоҳил, Сурарда комини оламда беармон эмиш, билдим.

Жаҳон аҳли жаҳон ичра бақо не ёнглиг истарким, Олор шаънида куллу ман-алайҳо фон эмиш, билдим.

Борқа авқотимни беҳуда ўтурдим, гўё, Умрни бир неча кун меҳмон эканни билмадим.

Вафо кумрию булбулга қилинг, эй сарв ила гулким, Оларнинг ашқу оҳидин эрур сарсабз бу бўстон.

Ҳазин булбулни кўб инжитма, эй гулким, бу бўстонда Гулу булбул ики-уч кун эрур бир-бирига меҳмон.

Гадоларга жафо кўб қилмоғил, эй хусн шоҳиким, Оларни зор этиб қўймас, сани ҳам зўр ила даврон.

Хато савҳини авф айлабон, журм аҳлини шод эт — Ки, нисёндин фунуни сарф ила муштақдурур инсон.

Хилофат истасанг одам киби тарки тақаббур қил — Ки, мардуди абаддур ушбу бад хислат била шайтон.

Халойиқ мушкилини қудратинг еткунча осон эт, Агар истар эсанг ҳақ мушкилингни айлағай осон.

Бу кун илгингда турғон чоқда нақдинг хайру эҳсон қил Ки, тонгда нақд бир ён борғуси, ҳар бир қўлунг бир ён.

Малоикдин бийқдур одами ул шарт бирланким, Риёзат бирла нахват чиркидин пок айласа гар жом.

Фалак бедодидин, ваҳ, кимга дод айлайки, оламда Забуни бўлмағон бир кимса топилмоқ эмас имкон.

Чу бағринг умрлар қон айлабон лаъл айладинг ҳосил, Жафо метини кўксинг қилса чок инжинмоғил, эй кон.

Жаҳон осойишу коми ул одамнинг насибидур — Ки, оламнинг йўқу бори онинг олидадур яқсон.

Берма кўнгулни оқил эсанг қасру жоҳға, Йўқтур бақо умиди бинойи ҳасобдин.

Ҳар кимки, даҳрдин тиласа шодкомлиг, Сероб бўлмоқ истагусидур саробдин.

Али Аҳмад САЛИМ: ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРГА ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАЖОН ЧЕМПИОНИ ЭРИШАЁТГАН НАТИЖАЛАР МУҲЛИСУ МУТАХАССИСЛАРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ КЎПЧИЛИКНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА.

Дзюдо бўйича беллашуларда Мирали Шарипов юқори жисмоний тайёргарлиги, техник маҳорати ва чиройли усуллари билан муҳлислар меҳрини қозонди. Жорий йилда Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида учинчи ўрнини эгаллаган 21 ёшли бу полвонимиз Пекиндаги баҳсларда испаниялик Оскар Пенас, жазоирлик Мунир Бенамадид, эронлик Араш Мирсмоилий, мисрлик Аҳин ал-Ходийни мағлуб этди.

Бундан 29 йил муқаддам — 1979 йил 11 августда «ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИНИНГ САМОДА ҲАЛОКАТГА УЧРАШИ БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЛАРЗАГА СОЛДИ. ЎША АВИАЦИЯ ҲАЛОКАТИ НАТИЖАСИДА 17 НАФАР ЖАМОА АЪЗОЛАРИ, МУРАББИЙЛАРИ, ШИФОКОРЛАР ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМИБ, УЗОҚ ЙИЛЛАРГАЧА МАШЪУМ АВИАТЎҚНАШУВ «ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ ТАҚДИРИГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗИБ КЕТДИ.

Албатта, футбол ишқибозлари, юртимиз жамоатчилиги хотирасида марҳум ўйинчилар номлари мангу сақланади. Ҳар йили мамлакатимизда «Пахтакор-79» хотира мусобақалари ўтказилади, уларнинг рамзий қабрлари пойига гулчамбарлар қўйилади.

«Алгоритм» очик турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви, касаб уюшма кўмитаси ҳамда «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи хайри ташаббусга қўл уриб, мана тўққиз йилдирки оромгоҳда мини-футбол бўйича фахрийлар ўртасида «Пахтакор-79» жамоаси хотирасига бағишланган халқаро мусобақалар ўтказиб келинади.

Бу йилги футбол фахрийлари ўртасидаги халқаро аънавий тур-

ттирмақда. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов Олимпия ўйинларидаги дастлабки учрашувни франциялик Жан Микел Раймонга қарши ўтказиб, рақибини 8:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Таърибли боксчимиз Дилшод Маҳмудов илк жангда марокашлик Меҳди Халсий билан куч синашди. Фаолияти давомида ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган ўзбекистонлик чарм кўпкоқ устасига рақибни муносиб қаршилик қўрсата олмади. Учрашув Д.Маҳмудов фойдасига



Ёз-ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА ХОТИРА ТУРНИРИ

нир ҳам ранг-баранг жамоаларни ўзига жамлади. Жумладан, унда Россия, Германия, АКШ, Исроил давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари, «Фортуна» (Самарқанд), «Узақабел» ОАО, «Қоратау» (Қозғистоннинг Қоратоу шаҳри), «Тараз» (Жамбул), «Пахтакор» (Тошкент), «Алгоритм» ва «Алгоритм-2» командалари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашишди.

Албатта, футболда жамоавий ўйин, мусобақаларга қўрилган жиддий тайёргарлик галабага эришишда муҳим ўрин тутаяди. Муҳлислар шу кунги «Пахтакор» таркибида тўп сурган Азамат Абдураимов, Собир

Ходиев каби моҳир ўйинчилар маҳоратидан яна бир қарра баҳраманд бўлишди.

Гуруҳда ўтказилган баҳслар натижасига қўра ярим финалга «Пахтакор», АКШ, Исроил элчихоналари ҳамда «Қоратоу» жамоалари чиқибди.

Бу гал спортга доимий эътибор қаратиб келинадиган элчихоналар жамоаларининг қўллари банд келди. Хусусан, АКШ элчихонаси командаси «Қоратоу»ни енгган бўлса, исроилликлар «Пахтакор» фахрийларини мағлуб этишди.

Финал баҳси тенг курашлар остида ўтди. Биринчи бўлимда бир томондан исроилликлар зарбасидан сўнг дарвоза тўсини тўпни қайтарган бўлса, иккинчи тарафдан америкаликларнинг шиддатли

ҳал бўлди.

Олимпиадада иштирок этаётган хорижлик мутахассислар ва муҳлислар Ўзбекистон спортчиларининг имкониятларини юксак баҳолашмоқда.

— Ўзбекистон — спортни жадал ривожлантаётган мамлакат. Бу бугунги кунда халқаро миқёсда эътироф этилмоқда, — дейди Қатар миллий Олимпия терма жамоаси аъзоси, камондан отиш бўйича моҳир мерган Али Аҳмад Салим. — 2006 йили Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинларида мамлакатингиз вакиллари эришган юксак муваффақиятларни кўриб, бунга ўзим ҳам тўла амин бўлган эдим. Айниқса, бокс, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, енгил атлетика, футбол, таэквандо бўйича ўзбек спортчилари нафақат қитъамизда, балки жаҳонда ҳам энг кучлилардан ҳисобланади.

Буни Пекин Олимпиадасида Ўзбекистонлик спортчилар эришаётган юксак галабалар ҳам исботлаб турибди. Спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга улкан эътибор қаратиладиган, спортчи-

ларга доимий ҳамқўрлик кўрсатиладиган мамлакат вакиллариғина ана шундай юксак галабаларга эришиши мумкин. Бу жихатдан ўзбекистонлик спортчиларга ҳавас қилса арзийди. Президент Ислам Каримовнинг Олимпиаданинг очилиш маросимида шахсан иштирок этиб, мамлакатингиз олимпиадачилари билан учрашгани ва уларни юксак галабаларга рағбатлантиргани ана шундай эътибор ва ҳамқўрликнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбек спортчилари эришаётган галабаларда ҳам ана шу улкан эътибор ва ҳамқўрлик муҳим омил бўлаётди.

Олимпиаданинг учинчи куни — 11 августда яна бир спортчимиз — Осиё ўйинлари қолиби, Афина олимпиадаси бронза медали совриндори Баҳодиржон Султонов 57 килограмм вазн тоифасида хиндистонлик Лалит Лакрани мағлуб этиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА махсус муҳбири Пекин



ширишди. Таъкидлаш жоизки, бу йилдан спорт-соғломлаштириш оромгоҳи мақомини олган «Алгоритм»ни ҳар хил спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари йигинлари ўтказиладиган базага айлантириш йўлида катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Демак, спортчиларимизнинг ҳалқаро майдонларда янада юқорироқ натижаларни кўрсатишлари учун яна бир мустаҳкам замин яратилмоқда.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган «Пахтакор-79» халқаро хотира турниридан лавҳалар. Максим Черногаев олган суратлар

Футбол

УЧРАШУВ ҚОЛДИРИЛДИ

АВВАЛ ЖАМОА БЕРГАНИМИЗДЕК, 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ IV БОСҚИЧИГА ЖИДДИЙ ҲОЗИРЛИК ҚЎРАЁТГАН РАУФ ИНИЛЕЕВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ 20 АВГУСТ КУНИ ЭРОНЛИК ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИ БИЛАН НАЗОРАТ-ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА КУЧ СИНАШИШИ КЕРАК ЭДИ.

Аммо, Эронда миллий чемпионат ўйинлари яқиндагина бошланганлиги сабабли, Эрон футбол федерацияси ушбу учрашувни 27 августда уюштиришни сўраб Ўзбекистон фут-

бол федерациясига хат йўллаган. Шуниси қизиқки, 29 август кунини Тошкентда Ўзбекистон — Шимолӣ Корея терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Шу боис ҳам ушбу учрашув қолдирилди. Энди 20 августда сафарда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари уммонликларга қарши майдонга тушишди.

Юнон-рум кураши

ҲАМЮРТИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҚОЛИБИ

Яқиндагина тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида қитъа чемпионлигини қўлга киритган ҲАМЮРТИМИЗ АЗИЗБЕК МАМАЖОНОВГА ЯНА ОМАД ҚЎЛИБ БОҚДИ.

Ҳал шундаки, Россиянинг Барнаул шаҳрида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир ташкил этилди. Дунёнинг

Теннис

ДЕНИС — ВАТАНИМИЗ ШАРАФНИ ХИМОЯ ҚИЛАДИ САМАРАНДИ ШАҲРИДАГИ «ДИНАМО» ТЕННИС КОРТИДА АНЪАНАВИЙ «ЧЕЛЛЕНДЖЕР» ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ БОШЛАНДИ.

Шуниси қувонарлики, мукофот жамғармали 55 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу турнирда дунёнинг 20 та мамлакатидан келган ракетка усталари қолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Мамлакатимиз шарафини эса Денис Истомин химоя қилмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШҚОРАТИ

14 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Мунажжимлар бугун муқаддас китобларни мутулаа қилиш, олий мақсадларни аниқлаб олишни маслаҳат беришадди. Ой сайёрасининг қудрати бугун мўъжизавий кучга айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай янги иш, ташаббус учун бугунги кун омади ҳисобланади.

Бироқ, айнан шу бугун идрок этилмайдиган паришонлик, безов-

талиқ ва лоқайдлик-руҳсизлик онгу шуурингизни эгаллаши мумкин. Уларни миангиздан чиқариб ташланг, акс ҳолда узоқ вақт шу ҳиссиётлар сизга тинчлик бермаслиги турган гап. Бунинг удрасидан чиқолмасангиз — дўстларингиз хузурга ташриф буюринг, улар билан мулоқот яхши кайфиятингиз тикла-нишига ёрдам беради.

Бугун тери касалликларини дово-лаш, косметик муолажалар, игна тера-пияси яхши самара беради. Овқ-

ат ҳазм қилиш тизими заиф ҳолат-да бўлади. Аллергик реакциялар хуруж қилиши, ошқозон-ичак йўлла-ри иши бузилиши эҳтимоли мав-жуд. Парҳезга алоҳида эътибор қилиш лозим. Кимёвий дори-дар-монлар ичишни камайтиринг.

Тушларингиз ҳаётингизни нима-лар кизикарли, аммо қийинчилик-ларга бой қилиши мумкинлиги ху-сусида оғохлантиради. Улар кўпроқ мансаб масалаларига алоқадор бўлади.

Тошкент Аграр университети томонидан 1996 йил 17 июнда Душабоев Хайрулла Файзиевич номига берилган 1850 рўйхат рақамли дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хурматли тадбиркорлар! Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси хузурдаги Жамоатчилик кенгашига Назорат қилувчи органлар томонидан сизнинг фаолиятингизга асоссиз, ноқонуний ва ноўрин текширишлари бўйича қўйидаги «ишонч телефон»га мурожаат қилишингиз мумкин: 150-31-01.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Изоҳнинг ҳолати йўқ. Абдуракул Ҳақимов чизган расм.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида боёқланади. 3200 нусхада босилади. Қроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6